

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 11-17 сентябрь № 36 (552) Сешанба кунлари чиқади

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда



БУГУННИНГ МАВЗУСИ: ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Халқимизда «Оила — муқаддас қўрғон», деган ҳикмат бор. Бу ҳикмат замирида жамиятнинг ажралмас бир бўлаги-ю, тўлатқис ҳаёт фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори намоён бўлади. Жамиятда оилани асраш, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, амалий рағбатларни кўчайтириш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш борасида қилинган хизматлар бугунги куннинг долзарб мавзусига айланиши баробарида жойларда ўзининг муносиб аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ана шу ғамхўрликнинг ифодаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Маълумки, ушбу Қарор ижросини таъминлаш давлат ҳокимияти ва хўжалик бош-

қаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият ва маърифат ҳамда «Оила» марказлари, «Маҳалла» жамғармаси, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий вазифасидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб берувчи «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Демакки, жойларда бу Қарор ижроси билан боғлиқ жараёнлар узлуксиз равишда амалга ошириб келинмоқда, деган хулосага урғу бериш мумкин.

Мазкур мавзун янада кенгроқ таҳлил қилиш ва кенг жамоатчиликка ҳавола этиш мақсадида Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотека банк» Миробод филиали ходимларининг амалдаги фаолияти билан бевосита қизикдик.

(Давоми 2-бетда).

Дил изҳори

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ БОР БЎЛСИН!

Дилларда мустақиллигимизнинг байрам шукуҳи кезиб турган лаҳзаларда Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб, фидойиларча меҳнат қилаётган ажойиб инсонларга севимли «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали ўз миннатдорчилигини изҳор қилишни ҳамда қўтлуг айём билан муборакбод этишни лозим топиб, тахририятга ушбу мактубни йўллайман.

Инсон умри ўтган сари, ундаги куч-қувват ҳам кетаверар, шунингдек, барча тана аъзолари нозиклашиб, дардга тез-тез чалинадиган бўлиб қолар экан...

Мен II гуруҳ ногирониман. Бир неча йилдирки, юрагим оғриб, безовта қилиб туради. Яқинда тўсатдан юрагим хуруж қилиб қолди. Шунда дарҳол Тўртқўл туман марказий шифохонасига мурожаат қилдим. У ерда мени врач-кардиолог Нигора Искандарова илиқ чехра ва ширинсуханлик билан кутиб олди ва тезда даво муолажаларини бошлаб юборди. Нигора Рустамовнанинг нафақат тиббий муолажалари, балки ҳар бир инсонга бўлган ширин сўзи, муомаласи ва бу борадаги ҳаётий тажрибаси оғир аҳволдаги беморни ҳам тезда соғайтириб юборди. Мен ҳам ажойиб инсон, ўз касбининг моҳир устаси Н. Искандарованинг кўрсатган беғараз тиббий ёрдамлари

туфайли соғлигим тикланиб оилам бағрига қайтдим.

Бизга маълумки, беморларга ҳушмуомалада бўлиши, уларни даволаш, турли дарддан фориғ қилиш тиббиёт ходимининг асосий вазифаси ва бурчидир. Лекин уларнинг барчаси ҳам бундай масъулиятли вазифани бирдек бажараяпти, деб бўлмайди. Бироқ мен ташаккур билдирмоқчи бўлган шифокор Нигора Искандарова нафақат тажрибали мутахассис, балки минглаб беморлар дардига ўзининг дилга малҳам самимий сўзлари ва меҳрибонлиги билан даво бераётган чинакам холоскордир...

Шу бois, ана шундай олижаноб инсон Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани марказий шифохонаси олий тоифали врач-кардиолог Нигора Искандаровага шунингдек, бош шифокор Камолiddин Исмоилов, бўлим мудири Бахтиёр Қозоқов, даволоччи шифокорлар Мамматжон Рўзумов, Сотимбой Шерипбоев, Ҳожимуҳаммад Матиев ва жамоанинг барча-барча ходимларига дил тўридаги эзгу ниятларимизни билдириб, доимо соғ-омон бўлишларини тилаб қоламиз.

Хурмат билан бир гуруҳ беморлар номидан

Турдибой ҚУЗДИБОВ,
II гуруҳ ногирони,
Қорақалпоғистон
Республикаси.

ОБУНА — 2007

Азиз шифокорлар,
ҳамширалар, зиёлилар ва барча
муштарийлар эътиборига!
Тиббиётдаги янгиликлар сари
одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз
олдига мақсад қилиб қўйган
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш —
Здравоохранение Узбекистана» газетасига
2007 йилги обуна давом этмоқда.
Буни унутманг!
Нашр индексимиз: 128.

УШБУ СОНДА:

3



Ёш оналарга маслаҳат
КИЧКИНТОЙНИНГИЗ
СОҒЛОМ ЎССИН!



КАК МЫШЛЕНИЕ
ВЛИЯЕТ НА
ЗДОРОВЬЕ?

6

Люди тратят огромное количество денег и времени, стараясь продлить свою жизнь и сделать ее более здоровой...

7

СИҲАТГОҲДА
БОЛАЖОНЛАР
ЭЪЗОЗЛАНДИ

Наманган вилояти, Чортоқ тумани болалар сиҳатгоҳи республикамиздаги сўлим масканлардан бири ҳисобланади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

БУГУННИНГ МАВЗУСИ: ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Жамиятда ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун гурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва ҳалқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш, имтиёзли шартлар асосида берилаётган кредитлардан тўғри ва унумли фойдаланиш масалалари юзасидан АТИБ «Ипотека банк» Мировод филиали бошқарувчиси ўринбосари, «Кредит» бўлими бошлиғи Илҳом Бокиев билан мулоқотда бўлди.

– Илҳом Зиёдович, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва унинг ижросини таъминлаш борасида давтаввал банкда қандай тартибдаги ишлар белгилаб олинди?

– Назаримда, давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларга қаратган алоҳида эътибори бугунги демократик жамиятда фаровон яшаш, тинч-тотув ҳаёт кечириш, оила кўргонини кўз қорачигидек асраб-авайлаш сингари устувор туйғуларни янада шакллантириб юборади. Айниқса, мазкур Қарорнинг қабул қилиниши ва уни тез суръатларда жамият ҳаётида татбиқ этилиши кўпгина ёшларни қаноатлантириб, уларнинг мавжуд имкониятларига имконият қўшади. Табиийки, ҳар бир ишлаб чиқараётган қонун ва қарорлар замирида инсон манфаатлари устун экан, бу моҳиятни ҳамма ҳар хил тасаввурда идрок этади. Шундан келиб чиқиб айтилган бўлсак, Қарор мазмунини дастлаб банк ходимлари орасида тушунириб борилиши ишларимизнинг илк дубочаси бўлган. Кейинчалик, «Кредит» бўлими ходимлари маҳалла ва ташкилотлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

да бўлишиб, у ердаги ёш оилаларга Қарорда кўзланган мақсадлар, имтиёзли кредитлар ва уларнинг афзалликлари тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борган эди. Ҳали ҳам бу жараён узлуксиз равишда олиб борилюкда. Кўпчилик авваллари банкдан кредит олиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида эшитиб қолса, биров чўчиб турарди, эндиликда эса бундай ҳолатларга ўрин йўқ. Сир эмас, Қарор амалда жорий этилганидан сўнг банкимизга кредит сўраб келаётганлар сони ошди. Айниқса, ёш оилаларни уй-жой ва истеъмол кредитлари билан таъминлаш борасида қабул қилинаётган аризалар тобора кўпайиб бормоқда.

– Бу кўрсаткичлар албатта, яхши. Лекин ёш оилаларга уй-жой ва истеъмол кредитлари бериш тўғрисида қўйилган талаб ва тартиблар тўғрисида бугун ҳамма ҳам етарли маълумотга эга эмас. Келинг, шу ҳақда суҳбатимизни давом эттирсак.

– Саволингиз жуда ўринли. Сабаби, кўпчилик ҳали бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаётган, деб айта олмаимиз. Чунки, базилар Қарор мазмун-моҳияти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Банк мизозига айланиб улгурган оилалар билан суҳбатлашсангиз, яратилган шарт-шароитлар тўғрисида тўққиланиб гапиришадди. Демак, қайсидир маънода банк ис-

лоҳотларининг аксарияти ҳалқ эҳтиёжлари учун хизмат қилаётганлиги амалдаги жараёнларда ойдинлашди. Содда қилиб айтилган бўлсак, қандай имконият бўлмасин, инсон манфаати биринчи ўринда туришини эсдан чиқармаслигимиз керак, албатта. Оддий мисол, айтилик, кимдир Қарор асосида уй-жой кредити билан тураржойига эга бўлган бўлса, кимдир бу имконият йўллари ханузгача излаб юрган бўлиши мумкин. Хўш, шун-

– яшаш жойидан маълумотнома;
– туман ФХДБ бўлимидан биринчи никоҳдалиги тўғрисида маълумотнома;
– никоҳ қайд этилганлиги ҳақида маълумотнома;
– иш жойидан ва ойлик маоши тўғрисида маълумотнома;
– баҳолаш ташкилотининг ҳисоботи (бунга сотиб олинаётган уйнинг нарх-навоси, мавжуд шарт-шароитлари илова қилинади).

– Демак, мижоз банк томо-

да ва қандай кўринишда тақдим этилади?

– Мижоз ўзи хоҳлаган уйни сотиб олиши ёки керакли истеъмол товарларига эга бўлиши учун қуйидаги тартиблар асосида кредитни қабул қилиб олади:

– ҳозирда ёш оилаларга уй-жой учун кредитлар 15 йилгача, 14 фоиз миқдорида, оддий аҳолига эса 10 йилгача, 17 фоиз миқдорида кредит олиш имкони мавжуд;

– истеъмол кредити (маиший техника ва зарурий уй-хўжалик учун) 3 йилгача – 14 %, 2 йилга – 13 %, 1 йилга – 12 % кўринишда берилди.

Уй-жой учун кредит олиш олдиндан ҳам мавжуд эди. Фақат унга тўланадиган фоиз суммаси бироз бошқачароқ, Президентимиз Қарори эълон қилингач, баъзи бир имкониятларимиз янада кенгайди.

Олинаётган кредит суммасининг дастлабки бадали уй-жойга 25 фоиз, истеъмол товарлари учун эса 10 фоиз миқдорида белгиланган. Қарор қабул қилингандан то шу кунга қадар жами 7 та ёш оилага тўқсон олти миллион уч юз эллик минг сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

нидан топширилган талабларни тўла-тўқис адо этгач, унга кредит суммалари қай тартиб-

Ўйлаймизки, Ўртабосимизнинг мазкур Қароридан ва банклардаги мавжуд имкониятлардан ҳар бир ёш оила унумли ва ўз эҳтиёжлари йўлида мақсадли фойдаланади. Чунки, кенг шарт-шароит ва қўлайликлар бор экан, турмуш фаровонлиги, яшаш даражамиз ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Ишонимизки, мамлакатимизнинг барча фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган ҳолда банкнинг доимий мижозига айланиб борадилар.

Суҳбатдош:
Намоз ТОЛИПОВ.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.



дай пайтда янги уй-жой эҳтиёжи билан келган ёш оилага банк томонидан қандай хизмат кўрсатилади?

Биринчидан, ёш оилалар учун берилаётган кредитлар суммаси чегараланмаган ва бу миқдордаги суммани банк ўз маблағлари ҳисобидан қоплайди.

Иккинчидан, ёш оила аъзоси 30 ёшдан ошмаган ва биринчи расмий никоҳдан ўтган бўлиши талаб этилади.

Учинчидан, кредит олиш учун махсус ариза, банк сўровномаси тўлдирлади.

Тўртинчидан, кредит олиш мобайнида қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

Интернет саҳифаларида: фикр-мулоҳазалар МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙҒУСИ

Ўрта тиббиёт ва доришуннос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази Андижон вилояти филиали раҳбарияти «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоасини Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан қўллаш баробарида дунё ҳамжамиятида янги расмий веб саитига эга бўлганлиги билан самимий муборакбод этади!

Аввало, газетанинг кенг жамоатчилик орасида тугган муносиб ўрни ва амалдаги мавқеини эътибор этар эканмиз, унинг замон билан ҳамнафас, ҳамоханг тарзда ривожланиётган интернет нашрига эга бўлганлиги кўпгина тиббиёт ходимларига имконият эшигини очди.

Ушбу саитнинг Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилганлиги газетанинг матбуот ва жамиятдаги тараққиёти-

ни устувор даражага олиб чиқади, деб ишонish мумкин.

Шунингдек, ушбу веб саҳифанинг очилиши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот технологиялари ва тиббиёт тизимига оид янгиликларни татбиқ этиш ҳамда ёритишда мўҳим аҳамият касб этади.

Сайтнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда эълон қилинган долзарб мавзудаги мақола ва чиқишларни тезкор ҳамда ўз вақтида ўқиб ўрганиш, шу билан бир қаторда архив материали сифатида фойдаланиш имконини беради. Севибли нашримизнинг сўнгги

сонларида чоп этилган ижтимоий-сиёсий, маърифий аҳамиятга эга бир қатор мақолалар барча тиббиёт ходимларини бевфар қолдирмаган ҳолда уларни мустақил фикрлаш ва билим доираларини бойитишда мактаб вазифасини ўтайди. Шу ўринда, давр билан ёнма-ён одимлаётган таҳририй ҳодимларини ҳамда интернет тармоғида ишлашдек қўлайликларни яратган газета ҳамкорларига чин дилдан миннатдорчилик билдириб, уларга ижодий баркамоллик, янгиликлар сари дадил интилишда улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Шухрат АТАБАЕВ,
Ўрта тиббиёт ва
доришуннос ходимлар
малакасини ошириш
Республика маркази
Андижон филиали
директори.

Кўрик-танлов

Кейинги пайтларда турли саналарга бағишланган байрам ва тадбирлар республикамиз миқёсида анъана тусини олмоқда. Айниқса, ҳамшираларнинг касбий маҳоратини ошириш, бир-бири билан тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган «Хамшира» кўрик-танлови ҳам бир неча йиллардан буён кўтаринки руҳда ўтказиб келинаётган анъанавий байрамлардан биридир. Яқинда Бухоро вилоятида «Хамшира – 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ САРИ

Унда иштирок этган 15 нафар ҳамшира дастлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиалида амалиёт бўйича шартларни бажарди. Сўнгра Садриддин Айний номидаги мусиқали драма театри биносида кўрик-танловнинг наавбатдаги шартлари бўйича ўзаро баҳс олиб боришди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчилар тўплаган баллар ўқиб эълон қилинди. Танлов натижаларига кўра, Қоровулбозор тумани марказий поликлиникаси ҳамшираси Нигина Файзуллаева

биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва республика босқичига йўланмани кўлга киритди. Тадбир сўнггида мазкур танловнинг голиблари ва барча иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Биз ҳам ўз навбатида мутлақ голибликни кўлга киритган Нигина Файзуллаевага республика босқичида ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Маъмура САФОЕВА,
Бухоро вилояти.



Ёш оналарга маслаҳат КИЧКИНТОЙНИНГИЗ СОҒЛОМ ЎССИН!

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти
«Авиценна» болалар шифокорлари уюшмаси
билан Буюк Британиянинг «HealthProm» ноҳукумат
ташкilotи кўмаги асосида тайёрланди.

СИЗНИНГ ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҒИНГИЗ

Биринчи ҳафтада ота-онада болага
нисбатан вақти-вақти билан
бехотиржамлик пайдо
бўлиши мумкин

Киндик. Кўпинча чақалоқнинг киндик қолдиғи туғруқдан сўнг 4-6-кунни тушади ва тузала бошлайди. Баъзан бу жараён чўзилиши мумкин. Уйга жавоб бўлгандан сўнг боланинг киндик қолдиғига алоҳида эътибор талаб қилинмайди, фақатгина ҳар кунги чойшабларни дазмонлаб тоза сақлаб туриш лозим. Агар киндик қолдиғида қизариш, ажралма, хид пайдо бўлса, тезлик билан болалар хирургига ёки оилавий шифокорга мурожаат қилинг.



Тери. Кўпинча янги туғилган чақалоқларнинг юз териси ва баданида қизил доғлар пайдо бўлади. Бу доғлар тез ўтиб кетади. Айрим вақтда белнинг пастки қисмида доғлар кам бўлиб, думбасида кўкмирт доғлар учрайди, бу ҳолатлар ўтиб кетади. Шунингдек, гўдакларнинг бурун ва кўз атрофида майда оқ дончалар бўлиши мумкин. Бу эса даво талаб этмайди ва тезда йўқолади.

Сочлар. Кўпгина болалар қалин сочлари билан, баъзилари эса кам сочлар билан туғилади. Деярли ҳамма сочлар туғилган ва ўрнига янги сочлар чиқади. Кўпгина чақалоқларнинг баданида, пешона ва ёноқларида момик сочлар бўлади. Улар аста-секин тўкилиб кетади.

Лиқилдоқ. Болангизнинг бошида юмшоқ жой борлигини сезишингиз мумкин (катта лиқилдоқ). Энса соҳасида яна бир кичик лиқилдоқ мавжуд. Бир неча ой мобайнида суяклар ўсиб, шу жойни ёпиб қўяди. Бу қисмдаги тери қаватининг қалинлиги сабабли бошини ювиш ҳафсиздир.

Кўз. Туғилгандан сўнг кўп ҳолатларда қовоқлари шишган, кўзида қизил нуқталар бўлади. Бу шиш ва қизил нуқталар секин-аста йўқолади.

Оғиз. Тилнинг оқариши боланинг сут эмиши билан боғлиқдир. Оғиз бўлиғининг оқариши артганда кийин кетиши инфекция борлигини кўрсатади ва бу ҳолат даво талаб этади.

Лаблар. Боланинг юқоридаги лабида эмишдан кейин пуфакча пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат даво талаб қилмайди.

Кўкрак. Чақалоқларда кўкрак безлари баъзида шишган бўлади ва ундан сут чиқиши мумкин. Бу шишлар бола ҳаётининг биринчи ҳафтасида йўқолади. Шишларни ҳеч қачон сиқмаслик лозим, акс ҳолда кўкрак безларига шикаст етказиш мумкин.

Нажаси. Янги туғилган чақалоқларнинг нажаси дастлаб тўқ яшил рангли шилимчиқ модда чиқаради. Сут билан эмиш шў давомида бу модда секин-аста сарғайиб суюқлашади.

Сийдик. Бола жуда тез сийиб туради, бу ҳолатга тайёр бўлинг, вақтида чойшабларни алмаштиринг. Баъзида қиз болаларда кам микдорда қонсимон ажралма келиши мумкин. Бу ҳолат тиббий давога муҳтож эмас ва тезда ўтиб кетади.

ГЎДАКНИ ПАРВАРИШЛАШ

Бола ҳаётининг биринчи дақиқасидан бошлаб унга энг кераклиси бу – иссиқ-

лик, тўғри овқатланиш, тозалик, хотиржам ухлаши учун жой, касаллик ва жароҳатлардан асраш ҳамда энг асосийси оила меҳридир.

Хона ҳарорати етарли даражада иссиқ (+20-22°C) бўлиши лозим. Бола ётоғини деразага, совуқ деворга яқин қўймаслик ва энг муҳими елвизакдан сақлаш лозим. Болани чўмилтириш ва кийинтириш вақтида совуққотишдан сақлаш керак. Бола иссиқлиги ҳам оғир кечиради, шу сабабли бола ётоғини печка ёки электр иситкичлар яқинига қўймаслик ҳамда тик қўёш нурларидан сақлаш лозим.

Гўдак яшайдиган хона ҳароратини керакли ҳолатга келтириш учун хонани мунтазам равишда шамоллатиб туриш лозим. Бу нафақат хона ҳароратини ўзгартириш учун, балки ҳавони ҳам тозалашга ёрдам беради, чунки болаларда кислородга бўлган эҳтиёж катталарга нисбатан кўпдир. Шу билан бирга бола ётган хонанинг намлигини ҳам эътиборга олиш лозим, шунинг учун очик идишда (масалан, оддий банкада) сув сақлаш керак. Гўдакни тамаки тутунидан сақланг, уйда чекишга йўл қўйманг.

Гўдагингизга кийим, чойшаб танлашда ҳар доим табиий матолардан яратилган нарсаларни танланг. Сунъий толалар болангизнинг терисига ҳаво ўтказишни чеклайди ва аллергия тошмаларни юзага келтириши мумкин.

Гўдакни қалин ўраманг, бу бадан қизишига, эмишдан воз кечишга ҳамда кучли терлашга олиб келади.

Болага енгил ва иссиқ ёпингч танлаш лозим. Гўдакча ёстиқ керак эмас. Гўдакнинг бадани тоза сақланишини таъминланг. Болани илиқ сув билан ювинтиринг, кўзлар қайнатилган илиқ сувда ҳўлланган пахта билан алоҳида-алоҳида артилади. Бурунлари юмшоқ пахта билан тозаланади.

Боланинг кийими ёки чойшабини алмаштирганда уни ювинтиринг ёки нам сочиқ билан артинг ва ҳар гал ичи келишдан сўнг албатта ювинтиринг. Қиз бола олдиндан орқага қаратиб ювинтирилади, ўғил болани эса кўлингизга қорин билан ётқизиб, ювинтириш мумкин.

ЧЎМИЛТИРИШ

Болангизни чўмилтиришдан олдин керакли буюмларни: тоғора ёки ванначани (бола учун алоҳида бўлиши мақсадга мувофиқдир), болалар совуни, болалар шампуни, чўмилтиргандан сўнг болани ўраш учун сочиқ ёки чойшабни тайёрлаб қўйиш лозим. Хона чўмилтириш учун керакли даражада иссиқ бўлишига эътиборни қаратинг. Ҳар доим тоғора ёки ваннага олдин совуқ сув қўйиш, кейин эса иссиқ сувни қўйиш лозим. Агар қўл остингизда термометр бўлмаса ва сиз сувнинг ҳароратини аниқлай олмасангиз, энг оддий усул – тирсагингизни сувга теккизинг. Агар сиз илиқ, ёқимли ҳароратни сезсангиз, демек сув ҳарорати болани чўмилтириш учун тўғри келади. Болани чўмилтиришда оила аъзоларингиз ёрдам бериши мумкин.

УЙКУ

Бола биринчи ойларида суткасига ўртача 16-18 соат ухлайди. Кўпгина оилаларда

Ҳаётингизда янги оила аъзоси пайдо бўлганиги билан табриклаймиз!

Бу кичик, беозор бола узок йиллар давомида умрингиз мазмунига айланиб, сизга бахт ва қувонч келтирсин.

Албатта, сиз бу кичкинтойни узок ва мазмунли ҳаёти давомида соғлом, бахтли, қувноқ ўсишини хоҳлайсиз. Лекин сиз ҳамма вақт бола билан қандай мулоқотда бўлишни билмаслигингиз мумкин. Уйлаймизки, эътиборингизга ҳавола қилинаётган мазкур қўлланма фарзандингиз соғлом ўсиб-ўлғайишида сизга ёрдам беради.

болани уйку вақтида бешикка солишди. Бу боланинг ҳаракатиغا ҳалақит беради. Ҳаракат суяк-мушак тизимини ривожлантирибгина қолмай, бутун организмни ҳам теклаштиради. Бола ҳаракатланганда нафас олиши яхшиланади ва организмдаги тўқималарга кислород етказиб бериш яхши таъминланади. Бола кўп вақтни бешикда ўтказса, унинг ота-онаси, атрофдагилар билан мулоқоти камаяди. Бу эса бола руҳиятига салбий таъсир қилиб, ақлий ривожланишдан орқада қолади. Бола қанча кўп ҳаракатланса, мия шунчалик тез ривожланади. Шунинг учун эркин йўргаклаш бола учун муҳимдир.

САЙР ҚИЛДИРИШ

Бу гўдакнинг асосий парваришларидан биридир. Кўпинча оналар урф-одатларимизга бўлган эътибори ёки вақт топа олмаслиги сабабли болани сайр қилдира олмайдилар. Ёз вақтларида болани ўртача 1,5-2 соат сайр қилдириш лозим. Бизнинг иклим шароитимизда бола учун сайр қилиш эрталаб ва кечқурунги вақтларга тўғри келади.

КЎКРАК СУТИ БИЛАН ОВҚАТЛАНТИРИШ

6 ойликча оватлантиришнинг энг қўлай усули – бу кўкрак сути билан оватлантиришдир. Туғилгандан сўнг бола биринчи 15-30 дақиқадан сўнг кўкрак устига қўйилади. Онда туғруқдан кейин биринчи кунларда кўкрак безларидан оғиз сути келади. Оғиз сути чақалоқ учун жуда фойдалидир. У енгил ҳазм бўлувчи оқсил, углевод, керакли микроэлементлар ва сувдан иборат. Кўкрак сутининг афзаллиги шундаки, болани витаминлар ва озиқлантирувчи моддалар билан қониқтиради. Болани ўзи қониққанча кўкрак билан эмишиш керак. Тўғри эмиш оралиғи 4-6 соатдан ошмаслиги лозим.

Гўдак она сути билан озиқлантирилган вақтда, ҳатто иссиқ кунларда ҳам, бошқа қўшимча суюқликларни бериш шарт эмас. Она сути гўдакни ҳар хил касалликлардан ҳалос этади.

Янги туғилган гўдакнинг оватланиши учун табиат яратган ягона махсус маҳсулот – бу она сутидир.

Она сутининг таркиби боланинг эҳтиёжи учун керак бўлган оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минераллардан иборат.

Она сути таркиби асосий ферментлардан иборат. Бу ферментлар оқсил, ёғ, углеводларни ҳазм қилишга ёрдам беради.

Она сути таркибида юқумли касалликлар (юқумли ичак хасталиклари, гепатит, бўлма, қокшол ва бошқа касалликлар)дан сақловчи ҳужайралар мавжуд.

Она суттида ўсишни, жисмоний ва ақлий ривожланишни таъминловчи моддалар мавжуд.

Эмиш вақтида она ва бола ўртасидаги яқинлик, меҳр бола ҳаётида сақланиб боради.

Она сутининг болага етарли бўлиши учун нима қилиш керак? Бунинг учун она кундуз кими дам олиши ва ухлаши лозим. Унга оғир уй юмушларини бажариш ман этилади. Она сарфланган қувватни ва сутни тўлдириш учун тўйимли оватланиши керак. Эмиздиган она учун бир кунда 5 маҳал, эмишдан 30-40 дақиқа олдин оватланиш тавсия этилади.

Суюқлик микдори кунига (шўрва, сабзавот ва бошқалар) ўртача 2 литрни ташкил қилиши лозим. Она сути билан эмиш вақтида шоколад, какао, табиий кофе, цитрус мевалар (апельсин, мандарин), асал, ёнғоқ каби маҳсулотларни чегаралаш лозим. Пиёз, саримсоқ пиёз ҳамда дориворлар она сутига таъм ва хид беради. Шунинг учун уларни камроқ истеъмол қилиш лозим. Эмизикли аёлларга спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Кўкрак сути билан эмизгандан келиб чиқадиغان ҳолатлар

* Оналар болани соат бўйича эмишига ҳаракат қиладилар.

* Кўкракда мастит касаллиги бўлса эмизмайдилар (фақат касал кўкрак эмас, балки соғ кўкракни ҳам бермайдилар).

* Дори ичиб юрган вақтда эмишни тўхтатадилар (шифокор билан маслаҳатланинг).

* Кўкрак сути етмайди деб сунъий озиқлантиришга ўтадилар.

* Кўкракни тўғри бермаслик: эмизгандан кўкракнинг фақат учини эмас, балки кўкрак учи атрофини ҳам гўдакнинг оғзига бериш керак.

ҚЎШИМЧА ОВҚАТЛАНТИРИШ

Агар болангиз кўкрак сутини эмса, унга биринчи қўшимча оватқатни 6 ойликдан бошлаб бериш керак. То 6 ойликча бошқа оватқат ва суюқликлар: сув, чой, ҳар хил аралашмалар бериш мумкин эмас. Агар бола 4 ойлик ва ундан катта бўлганда унга яхши вазн қўшилмаса, қўшимча равишда қўшимча оватлантиришни бошлаш керак.

Қўшимча оватлантиришнинг асосий тартиб-қоидалари

* Қўшимча оватлар қошиқча билан бериледи.

* Қўшимча оватқат берган вақтда кичик микдордан (1-2 қошиқ) бошлаб, 2 ҳафта давомида керакли микдорга етказиш лозим.

* Биринчи қўшимча оватқатни сабзавотли бўтқадан бошлаш керак.

* Агар боланинг вазни ойига мос келмаса, уни 4 ойликдан бошлаб қўшимча оватқатларга ўтказиш керак. Бунинг учун 5 % манний бўтқаси ва сабзавотли бўтқадан 1-2 маҳал эмгандан сўнг бериш керак.

* Қўшимча оватқат таркибига гўшт, сабзавот, мева, дон, туҳум, сут маҳсулотлари (сузма, қатиқ) кириши керак.

* Суюқтирилмаган сигир сути ва сут маҳсулотларини 9 ойгача бериш мумкин эмас, сутдан фақат 6 ойликдан бўтқа тайёрлаш учун фойдаланиш лозим.

* Болага қора ва кўк чой бериш қатъиян ман этилади.

ҲАР БИР ҚЎШИМЧА

оватқатда бола:

* 6-7 ойда: 10

ош қошиқ (150 мл) оватқат;

* 8-10 ойда: 12

ош қошиқ (180 мл) оватқат;

* 11-12 ойда: 15

ош қошиқ (225 мл) оватқат билан

таъминланиши

керак.

* Агар 6-12

ойлик болага кўкрак сути берилмаса, 15 ош қошиқда қўшимча оватқат (225 мл) берилиши лозим.

(Давоми бор).



НОВЫЕ ПРИНЦИПЫ ОБЩЕНИЯ С ГЕМАТОЛОГИЧЕСКИМИ БОЛЬНЫМИ

В последнее десятилетие в мировой медицинской и юридической практике бурно развиваются разделы биоэтики и биомедицины. Эти разделы рассматривают проблемы, которые возникают перед пациентами, взаимодействующими с врачом, в частности, и со службой здравоохранения в целом.

Очень часто такие проблемы возникают при лечении больных с системными заболеваниями крови, например, острыми лейкозами, апластическими анемиями.

В последние годы в доступной литературе появилось много публикаций о возможности выздоровления от таких заболеваний, ранее считавшихся смертельными. Современные программы полихимиотерапии с трансплантацией донорского костного мозга позволяют получить у больных сверхдлительные ремиссии или полное выздоровление.

Однако, тяжелое течение данного заболевания, множество серьезных побочных эффектов проводимой цитостатической терапии, когда больные

впадают в отчаяние, требуют со стороны врача особого деонтологического подхода к таким больным. Мы часто видим психику больного с острым лейкозом, скрывающего диагноз, и даже в истории болезни диагноз зашифрован.

К сожалению, до сих пор значимость прав человека в сфере биоэтики и биомедицины осознается нами в недостаточной степени. Возможно, будет лучше, если больному сразу сообщить диагноз и прогноз заболевания. Это позволит ему самому определить, где лечиться. Обязанность врача – помочь больному сделать правильный выбор, не лишая надежды на выздоровление.

Ш. БАБАДЖАНОВА,
Ташкентская медицинская академия.

Биоэтика

Наряду с этим, практика показывает, что на каждом курсе имеется группа студентов с низким уровнем теоретической и практической подготовки. Это создает особенно тревожную обстановку на выпускающих кафедрах, когда время на устранение имеющихся пробелов в знаниях студентов ограничено. Для медицинских ВУЗов эта проблема особенно важна, так как выпускник с удовлетворительными оценками в дипломе не имеет морального права лечить больного.

Работа преподавателя с такими студентами связана с дополнительными нагрузками в моральном отношении, и с необходимостью организации индивидуальной внеклассной подготовки – самообразования. Одним из эффективных путей для приобретения и закрепления практических навыков с отстающими студентами на старших курсах клинических кафедр является их дополнительная работа с больными в палатах под контролем педагога, постоянное привлече-

ДЕОНТОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИ РАБОТЕ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ С ОТСАЮЩИМИ СТУДЕНТАМИ

По сложившейся традиции в целях подготовки перспективных научных кадров в ВУЗах создаются группы одаренных студентов, успешно выступающих на олимпиадах, конкурсах и являющихся, по существу, "золотым фондом" института. Им уделяется серьезное внимание, занятия с ними проводятся по усиленной программе.

ние на обходы профессора, доцентов, во время которых студент докладывает и интерпретирует полученные данные обследования и лечения больного. При выявлении недостаточных знаний по определенным разделам программы во время обхода, а также отчета по ночному дежурству в отделении, им дается задание для самостоятельного освоения определенной темы с обязательным сообщением перед аудиторией в виде доклада на утренней конференции.

Определенные сложности создаются у заведующих кафедр при проведении промежуточного и итогового опроса, так как возникает необходимость выбора уровня планки сложности кон-

трольных вопросов без нарушения принципа объективности и справедливости.

Положительную роль, по нашему мнению, сыграет правильное распределение студентов при формировании групп деканатом в начале учебного года, учитывая мотивационные моменты во время занятий отстающих студентов вместе с успевающими сокурсниками. Целесообразно поощрять работу преподавателя с отстающими студентами в конце учебного года с учетом конечного результата работы.

А. ГАДЕВ,
И. ИБРАГИМОВ,
Ташкентская медицинская академия.

Для здоровья ребёнка

На сегодняшний день в медицинской практике часто встречаются случаи заболевания рахитом. Какие факторы влияют на заболевание рахитом и как можно предотвратить его? На эти вопросы мы и попытаемся найти ответы.

Причины возникновения РАХИТА

1. Рахит - болезнь растущего организма, и он есть у 50-60% малышей. Если младенец быстро прибавляет в весе, его костям не хватает кальция, фосфора и витамина Д, которые он получает с пищей. Рахит - состояние временное. Сбалансированное питание, правильное лечение - и через несколько месяцев ребенок здоров.

2. Рахит возникает из-за недостатка витамина Д.

На самом деле рахит и дефицит витамина Д - не синонимы. Эту болезнь вызывает не только нехватка витамина Д, но и недостаток кальция и фосфора. Главная защита - правильное соотношение кальция и фосфора в молоке или искусственной смеси, которые получает младенец. Идеальным для малыша является грудное молоко, где кальция в 2 раза больше, чем фосфора. А еще в грудном молоке есть специальные белки, регулирующие усвоение кальция. Поэтому младенцы, которые растут на мамином молоке, реже болеют рахитом.

Второе важное условие - движение. Малыш обязательно должен махать ручками и стучать ножками, ему надо

делать массаж. Если по каким-либо причинам он ограничен в движении, например, у него зафиксированы ножки из-за врожденного подвывиха бедра, риск развития рахита сразу возрастает. Вот в Африке, казалось бы, сколько солнца! Значит, у младенцев вырабатывается достаточно витамина Д, однако детей, страдающих рахитом, там тоже немало. Причина в том, что африканские женщины традиционно своих младенцев до 4 месяцев пеленают "столбиком". Дефицит движения приводит к заболеванию, и даже витамин Д не спасает.

3. Грудное молоко защищает малыша лучше. Однако в со-

кислотой, помогающей лучше усвоить кальций. Покупая искусственную смесь, мама должна прочитать состав и вспомнить формулу: "кальция в два раза больше фосфора". Сбалансированный состав смеси, массаж, долгие прогулки на воздухе, профилакти-

Несмотря на обилие солнца, рахитом болеют и африканские дети. Причина в недостатке движения.

ветские дозы витамина Д - все это может защитить от рахита и искусственника.

А маме, кормящей грудью, стоит позаботиться о качестве своего питания, ей необходимо съедать не менее 100 г творога в день, выпивать 750 мл молока или кисломолочных продуктов, принимать поливитамины.

4. В регионах, где мало солнца, много пасмурных дней или долгая ночь, риск заболеть рахитом у детей повышается. Теоретически, у всех детей северных народов должен быть рахит. Но, природа устроена мудро: северные народы за тысячелетия адаптировались к полярной ночи и у них потребность в витамине Д меньше, чем у южных. А вот дети выходцев из южных регионов, родившиеся на севере, куда переехали их родители, часто и тяжело болеют рахитом. К риску появления этого забо-

левания относят также:


- жизнь в мегаполисе. Смог над городом плохо пропускает лучи Дорно - солнечные лучи определенной длины, под влиянием которых в коже вырабатывается витамин.

- Рождение осенью и зимой, когда мало солнечных дней. Дети, появившиеся на свет весной или в начале лета, реже заболевают рахитом.

- Очень юный или, напротив, молодой возраст мамы. Пик накопления костной массы у женщин - 25 лет. У мамы, не достигшей 17 лет, у самой еще недостаточно кальция в костях, и она не может дать нужное количество малышу. А мама под 40 уже начала терять кальций, ей тоже непросто обеспечить ему ребенка.

5. Первый признак рахита - вытертый затылок. На самом деле: если на затылке младенца вытерлись волосы - дело зашло далеко. Первый симптом, который появляется в месяц-два, - у малыша потеют голова и лоб во время еды. Мама держит голову на своей руке, и во время кормления ее рука становится влажной.

Второй симптом - пот ребенка становится "кислым". Мама, целуя малыша, чувствует это. Нарушается кислотно-щелочной баланс в организме, возникает потница, избавиться от которой одними купаниями трудно. А вот если начать принимать витамин Д, кислотно-щелочной баланс восстановится, и потница пройдет.



Третий симптом - запоры. Они появляются в результате общей гипотонии мышц, в том числе и мышц кишечника.

Четвертый признак - красный дермографизм: дотронувшись до ребенка, и на его коже остается красный след, который через минуту-другую тает.

Если все эти признаки есть у вашего малыша, обязательно скажите об этом педиатру.

Позже появляются пугливость, вздрагивание в ответ на звуки, ребенок становится беспокойным, все время вертит головой, волосики на затылке вытираются.

А если у младенца плоский затылок, "лягушачий живот" - это уже совсем запущенный случай.

На основе материалов СМИ.

Мавзуга қайтиб

ТИББИЁТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ ЛАВҲАЛАРИ

Афсуски, айрим ҳамшираларнинг қўпол муомалалари бемор қалбига озор етказиб қўяди. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, уларда баъзан диагностика ҳақида тушунча етарли эмаслигини кўриш мумкин. Энг қизиғи, тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган талабалар ўқиш-ўрганиш давомида томирга таушиш, зулук солишни ҳатто яхши билишмайди.

«Бизнингча, ҳамшира фақат шифокор айтган ишни хотир-жамгина, лоқайдгина бажариши тўғри эмас. Ҳамшира – оддий ижрочи эмас. У ўз шифокори ёнида, гарчи биров буюрмаса ҳам ана бир шифокорга айланиши зарур. У тиббиёт жабҳасида миллатимизнинг обрўси ва маданиятини кўтарувчи ва айни чоғда ўта масъул шахсдир».

(К. Хоназаров).

Жаҳондаги йирик давлатлар қаторидан жой олган, аҳолисининг ярмидан кўпини ўқиш ёнидаги болалар ва ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистон, албатта, аёло даражада ишлайдиган ҳамширалар «қўшин»га эга бўлиши зарур. Бу «лашкар»лар халқ соғлиғи учун олиб бориладиган сабр-тоқат ва изчиллигини талаб қилувчи жабҳаларда асосий кучдир. Бир нарсани кўзда тутайлик: бемор шифокорни кунига фақат бир неча дақиқасига кўради. Ҳамшира эса туну кун бемор билан доимо ёнма-ён. Ҳамшира шифокор кўрсатмаларига амал қилган ҳолда беморнинг соғлигини тиклашга ҳаракат қилади. Касалхонада иш қилиб турганда ҳам, ҳамма ишлар туғаллиниб, бошқа ҳамкасблар уй-уйларига кетганларида, зим-зий, қоронғилик тушганида ҳам беморнинг олдида ҳамроҳ ва ҳамдард бўлиб қолувчи яққаю ягона инсон – ҳамширадир.

Ҳамшира сўзининг ўзи ниҳоятда чуқур мазмунга эга. Ҳамшира – «бир онадан сўт эмган» дегани. Демак, ҳар бир инсон учун у туғилган опа ва сингилдир. Гап шундаки, ҳамшира, айни вақтда, тиббиётнинг расмий вақиласи. У шифокор билан беморни боғлаб турувчи ва шу сабабли даволашни жараёнини амалга оширувчи асосий воситачи. Шифокор беморнинг дардини тўғри аниқлаб, зарур дори-дармонларни белгилаши мумкин. Лекин бу кўрсатмаларнинг қай тарзда ижро этилиши ва бинобарин, самараси ҳамшира маҳоратига боғлиқ.

Энди яна бир қадриятларимизга ёндашсак. Ҳазрат Алишер Навоий: «Сихат тиласан кўп ема, иззат тиласан кўп дема», деб алоҳида уқтирган эканлар. Бу ҳикмат ҳаммамизга, айниқса, шифокорларга дастуриламал бўлмоғи жоиздир. Бундан минг йил аввал Ибн Сино таъбирича, шифокор қиёфасининг ус-туворлиги унинг соғлом ва

кўркам хулқли бўлиши билан ифодаланган.

**«Адаб билан инсон
иззат топади,
Обрўю, шарафу хизмат
топади.
Адаб соҳиби-ла сўзлашган
киши
Рухига дармону лаззат
топади».**

Буюк аллома Ибн Сино асарларини бўлажак шифокорлар чуқур ўрганишлари ва мукамал ўзлаштиришлари лозим. Мисол учун ўқишни «Тиб илми ва унинг вазифалари»дан бошлаган маъқул. «Унсурлар нима», «Мижоз ҳақида», «Касаллик, унинг сабаблари», «Касалликларнинг даврлари ҳақида», «Атрофни ўраган ҳавонинг вужудга таъсири ҳақида», «Яхши ҳаво ҳақида», «Йил фасллари ва таъсири ҳақида», «Тураржойларга боғлиқ ҳуқуқлари», «Ейиладиган ва ичиладиган нарсалар келтириб чиқарадиган ҳодисалар ҳақида», «Сувлар ҳақида», «Ҳаммомга тушиш, қуёшга тобланиш ва қумда ётиш», «Соғлиқ ва касалликнинг сабаби ва ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида», «Болаларга қўлланма-диган тадбирлар», «Балогатга етган кишилар учун умумий бўлган

Ҳамшира – оддий ижрочи эмас. У ўз шифокори ёнида, гарчи биров буюрмаса ҳам ана бир шифокорга айланиши зарур.

тадбирлар», «Ҳаммомларда чўмилиш ҳақида», «Овқатланиш тадбири», «Сув ва ичимликларни ичиш тадбири», «Йилу ва уйқоқлик ҳақида», «Кексалар тадбири», «Йилнинг турли фаслларидаги тадбирлар ва ҳавони соғломлаштириш ҳақида», «Сафар қилувчилар тадбири», «Даволашнининг умумий қоидалари» бўлимидан эса: «Гавдани бўшатиш ҳақида», «Зулук солиш», «Оғрикларни тўхтатиш ҳақида» каби қонунларни пухта билишлари, айниқса, ҳамшираларнинг кундалик ишларида жуда қўл келади.

